

Сайлов куни аниқ: маҳалланинг иштироки қандай бўлади?

Маҳаллага ҳар бир сайлов участкасига ўз кузатувчиларини қўйиш ваколати берилган.

3-с.

Ҳуқуқбузарни ҳаётга қайтариш – мураккаб, аммо шарт!

Ишмиздаги энг катта ютуқ ҳам, мақсад ҳам – ўзгаришни хоҳлаётганларга ёрдам бериш.

7-с.

Диёра КЕЛДИЁРОВА: “Маҳалладошлар дуоси менга ишонч, куч берди”

Маҳалла

№43 (2181) | 2024 йил 1 август, пайшанба

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

БУГУНГИ СОНДА:

“Сувсизлик сабаб “ўсиш нуқтамиз”дан фойдалана олмаяпмиз”

Маҳалла деҳқончилик ва балиқчиликка ихтисослашган. Аҳоли томорқадан яхши даромад топади. Аммо кейинги йилда оқова сув танқислиги кузатилиб, томорқада деҳқончилик билан шуғулланиш имконсиз бўлиб қолди. Сувсизлик сабаб “ўсиш нуқтамиз”дан фойдалана олмаяпмиз.

4-с.

Мактаб битирувчисига касб-хунар курси керак

Мактаб битирувчисига касб-хунар ўргатилмапти. Натижада олий ўқув юртига кира олмаган абитуриент ишсиз, касб-хунарсиз қолмоқда. Чунки “IT”, хорижий тилларни ўрганиш учун барчада хоҳиш бўлмайди. Хоҳиши борда иқтидор етишмайди. Ана шундай ёшлар мустақил ҳаётга қадам қўйганида аросатда қолиб кетмаслиги учун касб-хунарга йўналтириш керак.

5-с.

Аҳолида солиқ тўлаш маданияти юксаяпти

Қишлоқ шароити бўлгани учун одамлар солиқ маданияти ва тушунчасидан унчалик хабардор эмас. Шу боис дастлабки фаолиятимда аҳоли ўртасида солиқ соҳасига оид ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказдим. Тадбиркорларга харид чекини беришни ўргатдим.

6-с.

“Пиёдалар хавфсизлиги хавотирга соляпти”

Дастлабки иш фаолиятимдаёқ маҳалладаги ҳар бир оиланинг аҳолидан хабардор бўлиш, ким нима билан машғул эканини билиш учун “хонадонбай” ўрганиб чиқдим. Маълум бўлдики, фуқароларнинг 95 фоизи томорқаларида иссиқхона ташкил этиб, ўзини ўзи банд қилишган. Асосий даромади ҳам шундан экан.

7-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla_raistari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

“Еттилик” қандай вазифалар ижросига улгурди? Қайси масалалар ечимсиз қолди?

Президент Шавкат Мирзиёев ҳар гал қайси мавзуда йиғилиш ўтказмасин, қайси ҳудудга таъриф буюрмасин, албатта, “маҳалла еттилиги” тизимига алоҳида тўхталади. Бонен бугун мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг марказида айнан “еттилик” турибди.

Бандлик, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш бўладими, ижтимоий ҳимоя, ёшлар, хотин-қизлар, йиғин хавфсизлиги масалаларими, маҳалла бюджетини шакллантириш жараёнлари бўладими, барча-барчасида тизим ходимларининг иштироки бор.

Ҳўш, Президент юксак ишонч билдирган “еттилик” жойларда ўз фаолиятини шунга муносиб тарзда олиб бораётими? Одамлар розилигига эришиляптими? Уларнинг ўрни ҳар бир маҳаллада сезиляптими? Айни пайтда жойларда “маҳалла еттилиги”нинг олти ойлик фаолиятига бағишланган йиғилишларда айни саволларга жавоб изланмоқда.



Давони 3-саҳифада.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИГА ОИД ТАВСИЯЛАР

Ижтимоий фаол одамлар кўпайса, имконият ва натижалар ортиб бораверади



(Олтинчи мақола)

Ижтимоий ҳимоя... Бу тизим ҳақининг қандай янаётганини рўй-роғат кўраётганимиз, кимнинг ишмага муҳтожлигини кимга қандай кўмак кўрсатиш зарурлигини аниқлаётганимиз кўзимиз. Давлатнинг аҳолини қай даражада қўллаб-қувватлаётгани, эҳтиёжмандларга гамаҳўрлик кўрсатаётгани, одамларнинг энг кичик муаммосига қадар эътибор қараётгани каби ижтимоий ҳимоя тизимининг устувор мезонлари мана шу кўзгуда намоён бўлади.

Маълум даврлар бўлдики, пандемия, иқтисодий инқироз, турли табиий офатлар занжири Ўзбекистон олдида анчадан бери кўндаланг турган масала — ижтимоий ҳимоя тизимини самарали ташкил этиш муҳимлигини бор бўйича кўрсатиб берди. Жумладан, ижтимоий ҳимоя масаласига жавобгар алоҳида органнинг йўқлиги, бу функция ҳар хил идоралар орасида тақсимланиб кетгани давлат кўмагининг манзиллигига путур етказиб қўйди. Ижтимоий таъминот олиши керак бўлган фуқароларнинг ягона аниқ реестри мавжуд эмаслиги, ёрдам кимга кўпроқ кераклиги ҳақида маҳалла ҳам, биронта давлат органи ҳам тўлиқ маълумотга эга эмаслиги, ҳар бири ўзининг алоҳида рўйхатини мустақил юриштиши мазкур тизимнинг

самарасиз ишлашига олиб келди, ҳақиқатан ёрдамга муҳтож одамлар ҳар доим ҳам керакли кўмакни ола билмади.

Бу жараёнда яна бир жиҳат яққол кўзга ташланди: нафақат соҳада ягона давлат органини ташкил этиш керак, балки мамлакатда эҳтиёжмандларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходимлар тизимини яратиш зарур. Бу фақатгина пул ёрдами шаклида эмас, инкирозли вазиятдаги оилаларга патронаж хизмати, ёлғиз кексаларни парварзилаш, етимларнинг жамиятга интеграциялашувига ёрдамлашиш, меҳнат муҳожирларининг оилалари билан ишлаш кабилар шаклида бўлиши лозим эди.

Давони 2-саҳифада.

ЯНГИЛИК

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”: ҒОЛИБ МАҲАЛЛАЛАРГА ТАНАФФУС ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ



Бош вазир ўринбосари — иқтисодий ва молия вазир Жамшид Қўчқоровнинг парламент сўровига жавобан қайд этишчи, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг амалги тартибига айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилади. Хусусан:

— аҳоли сони кичик бўлган маҳаллаларнинг ғолиб бўлиш имкониятини яратиш мақсадида доимий тарзда ғолиб бўлиб келаётган маҳалла(ташкilot)ларга танаффус эълон қилиш;


— ходимларни мажбурий овоз тўплашга жалб этиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида овоз бериш босқичи мuddатини 10 кунга камайтириш, мажбурий овоз тўпланган лойиҳаларни ғолиб лойиҳалар рўйхатидан четлатиш;

— халқ депутатлари ҳудудий Кенгашиларнинг ваколатларини кенгайтириш мақсадида туман (шаҳар) бюджетидан қўшимча маблағ ажратиш ҳисобига ғолиб бўлмаган лойиҳаларни қўшимча ғолиб сифатида эълон қилиш амалиётини жорий этиш.

Ушбу ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Олий Мажлис Сенатига тақдим этилган.

“Ҳаётга фақат қизларни эмас, оналарни ҳам тайёрласак, ажралишлар камайармиди?..”

Бугун айрим аёлларда оналини сақлаб қолиш ўрнига “ёндиз янаб кета олмади, алимент олиб, болаларини ўзим катта қиламан, эркин янаймади” деган қараш шаклланиб бораётти. Ижтимоий тармоқлар, турли савиясиз сериалларда эркинлик, ёлғизлик, яқна янаша сахналарни эфирга олиб чиқилганлиги, айрим аёлларда “умрини болага қаради, эрга овқат тайёрлади, кийим-кечак ювини билан ўтказаманми” деган фикр уйғонмоқда...



Давони 3-саҳифада.

Самимий ва дўстона туйғу билан қалбларимиз янада яқин

Аслда ишлаган аёл ҳамма юмушларини бажаришга улгурди. Эрга туриб рўзгорини саранжомлайди, кечга келиб овқат тайёрлайди. Муҳим, ўзи ва жамият учун фойдали меҳнат билан машғул бўлади.



Давони 8-саҳифада.



Беш йиллик стаж борларни ўқишга тавсия этиш ҳуқуқига эга бўлган 88 та ташкилот рўйхати тасдиқланди.



Ногиронлиги бўлган шахслар, ҳарбийларнинг фарзандлари ва “Меҳрибонлик” уйи тарбияланувчиларга ҚУШИМЧА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ ажратилди.



Ўзбек олимаси ПАРАҲАТ МАТЎҚУБОВА АҚШда Халқаро ихтирочилар инновацион фестивалида олтин медал билан мукофотланди.

“САЙЛОВ – 2024”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Сайлов куни аниқ: маҳалланинг иштироки қандай бўлади?

2024 йил 27 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказилади. Мазкур сиёсий жараёнда маҳалла ходимлари ҳам фаол иштирок этади. Бироқ аксарият маҳаллаларда янги раислар сайланган, уларнинг бу борадаги тажрибаси ҳали тўлиқ шаклланмаган. Ҳўш, сайловда маҳалланинг иштироки қандай бўлади?



Йиғинлари ўз қузатувчилари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига сайловга қамда ўн кун қолгунга қадар муружаат қилиши мумкин. Округ сайлов комиссияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризасини олгандан кейин беш кун ичида қарор қабул қилади ва қузатувчи учун мандат беради. Агар қузатувчига номзод маҳалланинг мансабдор шахси бўлмаса, мандат бериш рад этилиши мумкин. Сайлов комиссиялари қузатувчини рўйхатга олгандан кейин унга ўз ваколатларини тўлақонли ҳамда тўққонликсиз амалга ошириши учун шароит яратди. Айтиш керакки, қузатувчи сайлов жараёнида мандатни тақиб юриши шарт. Унинг ваколат муддати унга мандат берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

Қузатувчи сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, улар сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраши ва олиши, сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириши (қамқоқда сақлаш ва овоздан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно), қузатув натижалари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакилларига муружаат қилиши мумкин.

Қузатувчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиши мумкин эмас. Сайловчиларга тавсир ўтказиш, бирор-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш, сайловчилардан кимни ёқлаб овоз берганини сўраштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишга бирор-бир тарзда ёрдам кўрсатиш тақиқланади.

Мазкур муҳим сиёсий жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин тутди. Сайлов кодексига мувофиқ, уларнинг сайлов жараёни билан боғлиқ ваколатлари қуйидагича белгиланган: **биринчидан**, участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар тақдим этади; **иккинчидан**, номзодларга уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишида кўмаклашди; **учинчидан**, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳар бир сайлов участкасига ўз қузатувчиларини қўйиш ваколати берилган. **Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан қузатувчилар тўғрисидаги** Низомга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан маҳалла раиси ва фуқаролар йиғинининг бошқа мансабдор шахслари сайловда қузатувчи бўлиши мумкин. Фуқаролар

“ЕТТИЛИК” қандай вазифалар ижросига улгурди? Қайси масалалар ечимсиз қолди?

Худудларда “маҳалла еттилиги”нинг олти ойлик фаолиятига доир ҳисоботлар эшитилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Новий шахридаги Ёшлар марказида вилоятдаги мавжуд 330 та маҳаллада амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган таҳлилий-танқидий йиғилиш ўтказилди. Унда Уюшманинг вилоят бошқармаси бошлиғи Гофур Алиев маъруза қилди.

Қайд этилганидек, “маҳалла еттилиги” олиб борган ишлар натижасида “Омбор дафтери”га киритилган 22 188 нафар фуқарога ишга жойлаштишга кўмаклашилди. Аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича ички йўлларнинг 111 км. қисми шағаллаштирилиб, 108 км. йўлга асфальт ётқизилди, 52 км. пиёдалар йўлаги қуриб битказилди.

Йиғилишда хотин-қизлар, ёшлар, ижтимоий ҳимоя, жиноятчиликнинг олдини олиш, солиқ тушумларини йиғиш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинди. Маҳаллаларда аҳоли муружаатлари билан ишлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кун тартибидан ўрин олди. Аҳоли муружаатларига эътиборсиз бўлган айрим масуулларга бу борадаги ишларни тубдан ахшиллаш бўйича тегишли тушунчалар берилди. Қатор камчиликларга йўл қўйган “маҳалла еттилиги” аъзолари фаолиятини қайта кўриб чиқиш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Бухоро вилоятида ўтказилган йиғилиш танқидий, таҳлилий, мунозараларга бой тарзда ўтди. Йиғилишда “еттилик”нинг барча қатори турмушчи ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Кун тартибидан масала юзасидан Уюшманинг вилоят бошқармаси бошлиғи М.Умаров сўзга чиқиб, биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар, бой берилган имкониятлар ва йўл қўйилган камчиликлар хусусида танқидий маъруза қилиб, иккинчи ярим йилликдаги долзарб вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, жиддий камчиликка йўл қўйган бўлим бошлиқлари ва бошқа ходимларга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилишини маълум қилди.

Йиғилишда Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши вакиллари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.



Йиғилиш якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сирдарё вилоятида ўтказилган йиғилишда “еттилик” зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар танқидий муҳокама қилинди.

Аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал қилиш, маҳаллани ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик, оилавий ажралиш, миграциядан холи худудга айланттириш борасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ҳамда тизимда йўл қўйилган хато ва камчиликлар бўйича “маҳалла еттилиги”га масуул бўлган раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Жиззах вилоятида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи Шерзод Полвонов, “маҳалла еттилиги”нинг вилоят бошқармалари раҳбарлари, Уюшманинг шаҳар ва

туман бўлим бошлиқлари иштирок этди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда “маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва камчиликлар, келгуси устувор вазифалар тўғрисида ахборот берилди.



“Ҳаётга фақат қизларни эмас, оналарни ҳам тайёрласак, ажралашлар камаярмиди?..”

“Mahalla” газетасининг ҳар бир сонини қузатиб бораман. Айниқса, “маҳалла еттилиги” вакилларининг иш тажрибалари, тақлифларини ўқиби, керак бўлса, айримларини ўзимизга мослаб санаб кўраман. Газетани варақлаб, ҳаётимиздаги воқеликларни қузатиб, менда ҳам баъзи фикрлар тугилди. Уларнинг айримларини баён этсам...



Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистонда никоҳдан ажралишлар сони 22 467 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 955 тага ёки 11,6 фоизга камайган. Шундай бўлса-да, бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 3 мингтага кўп. **Ажралишлар масаласи ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди.** Ўзимиздан қиб, ўтган йили 4 та оилани ажралиш ёқасидан қайтардик. Афсуски, яна 2 та оила қанча уринмайлик, тушунтирмайлик, ажрашиб кетди. Оилавий келишмовчилик сабаб йиллар давомида эр-хотин ўртасига совуқчилик тушиб бўлган экан. 2022 йилда 6 та ажралиш юз берганини ҳисобга олсак, ўтган йили унинг камайишига эришдик. Таҳлилларга кўра, ҳозирги

қунда ажралиш ҳолатларига кўпинча аёллар сабабчи бўлиб қолади. Нега? Бугунги келинлар янги оилага кўникиши қийин, эрига, катталарга бош эггиси келмайди. Айримлари, ҳатто қайнона-қайнотани кўнглини олишни билмайди. Арзимас баҳоналар билан ота уйига кетиб қолаверади. Афсуски, баъзи оналар қизи уйига қайтиб келса, “турмуш – мушт, унга биргаликда чидаб яшаш керак, қийинчилик ҳамма оилада бўлади” дея насиҳат қилиш ўрнига, “куёвчикуга қайта юрбормайман” дейди. Демак, ҳаётга фақат қизларни эмас, балки уларга тарбия бераётган ота-оналарни ҳам тайёрлашимиз керак. Эеро, оналар қизига янги уйга борганда, нималарга эътиборли бўлиши, қим билан қандай муносабат ўрнатиши кераклигини ўргата олиши лозим.

Яна бир гап: бугун айрим аёлларда оиласини сақлаб қолиш ўрнига “ёлғиз яшаб кета олам, алимент олиб, болаларни ўзим қамта қиламан, эркин яшайман” деган қараш шаклланиб борапти. Эр бирор тайин жойда ишламаса, алиментни ҳар ой тўлай олмаса, яна аёллар маҳалланинг ҳокимлигининг эшигини қоқди: “боқувчим йўқ, икки бола билан оч қолдим, ёрдам беринг”. Уйлаб қарасам, бугуннинг аёлини ижтимоий тармоқлар, турли савиясиз сериаллар бузаяпти. Уларда эркинлик, ёлғизлик, яққа яшаш сахналари эфирга олиб чиқилаяпти, айрим аёлларда “умримни блага қараш, эрга овқат тайёрлаш, қийим-кечак ювиш билан ўтказаманми” деган фикр уйғонмоқда. Демак, сериалларнинг оилаларга салбий таъсири ўрганилиши, эфирга беришдан олдин тизимли равишда мутахассислар кўригилган ўтказилиши керак.

Албатта, “қарс икки қўлдан чиқади”. Ажралишлар масаласида фақат аёлларни айблаш фикридан йироқман. Эркакларнинг рўзгор бошқаришида масуулиятсизлиги, мустақил фикри йўқлиги, оилага бошқаларнинг аралашуви (қайнона, қайнасиниллар), эркакнинг ёмон иллатларга ружу қўйгани, оилада аёлга қўлдай муносабатда бўлиш, хиёнат каби омиллар ҳам борки, ажралишлар сони кескин камаймаяпти. Энг ёмони, бу каби ҳолатларда ҳамма муаммо ажралишдан сўнг бошланади. Хусусан:

биринчидан, тураржой муаммоси пайдо бўлади. Бола билан ота-онасиникида яшаш қийин. Ижара нархи қиммат. Туланган алимент бу пулнинг ярминчи ҳам қопламайди; **иккинчидан**, фарзандлар ота меҳрисиз ўсади. Айрим ҳолларда болалар отаси билан умуман қўришмайди. Биргина жорий йилнинг олти ойида 22 467 та оила ажрашгани ҳисобга олинса, бундай болалар сонини тахмин қилиш мумкин. Баъзи ўринларда эркаклар нафақат боладан хабар олмайди, балки турли баҳоналар билан алимент тўламасликка ҳаракат қилади;

учинчидан, ажрашган аёлларга жамиятда нотўғри кўз билан қаралади.

Демак, бу масалада ҳар биримиз бош қотиришимиз, “менга тааллуқли масала эмас”, деган фикрдан йироқ бўлишимиз, ажралишларнинг юз беришига йўл қўймаслигимиз, маҳалла ходимлари ҳар бир оиладаги муҳитни библи туриши зарур. Фарзандимизга тўғри тарбия берсак, қасб-хунар ўргатсак, ёшлигидан оила бошқаруви ҳақида тушунча бериб борсак, ўйлайманки, бу каби салбий ҳолатлар камаяди.


Ҳўш, сиз бунга нима дейсиз, маҳалладош?

Оразхон САЙМАНОВА, Тахматшо туманидаги “Обод макон” маҳалласи раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

ҚУЛАЙЛИК

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БИОМЕТРИК ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНАДИ



Вазирлар Маҳкамасининг давлат хизматларини кўрсатиш тизими соддалаштирилгани, бюрократик тўсиқлар қисқартирилгани муносабати билан айрим Ҳукумат қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Унга асосан, айрим давлат хизматларини кўрсатишда англияликлар жорий этилди. Хусусан:

1. Электрон рақамли имзо калитини беришда жисмоний шахслар биометрик (Face-ID) идентификация қилинади ва электрон рақамли имзо калити автоматик тарзда расмийлаштириб берилади.
2. Қурилиши тугалланмаган объектга бирламчи кадастр паспортини шакллантиришда вафот этган шахснинг яқин қариндошларига унинг номидан муружаат қилиш тартиблари белгиланди.
3. Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш учун расмийлаштирилган йўланмаларни мактабгача таълим ташкилотига ахборот тизими орқали юбориш тартиби жорий этилди. Йўланма расмийлаштирилганда фуқароларга тасдиқ кодга эга хабарнома юбориш ва шу тасдиқ код асосида бола мактабгача таълим ташкилотига қабул қилинади. Фуқароларга йўланма олиш учун берилган сўровномадаги телефон рақамини исталган вақтда ўзгартириш имконияти яратилди. Болаларни мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш давлат ташкилотларининг айби билан кечиккандан йўланма ўз кучида қолади.
4. Автоматотранспорт воситаларини қайта жиҳозлаш учун рухсатнома бериш муддати автоматотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати билан мувофиқлаштирилди ва автоматотранспорт воситаларини қайта жиҳозлаш учун рухсатнома бериш муддати 10 кун этиб белгиланди.
5. Фуқароларга Автомобиль транспортда йўловчиларни ташиш фаолиятига лицензия олиш жараёнида ўзини ўзи банд қилган шахсни давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш хизматидан композит усулда фойдаланиш имконияти яратилди.

Яҳёхон ЖўРАЕВ, Адлия вазирлиғи масуул ходими.



Марказий банк ахборотига кўра, биринчи ярим йиллик якунларига кўра, аҳолининг РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ 8,6 фоизга ўсдик.



Янгийул туманида хитойлик инвесторлар иштирокида ЭЛЕКТР-СКУТЕР ишлаб чиқарилади.



Пойтахтимизда Марказий Осиё ва Жанубий Корея таҳлил марказлари БИРИНЧИ ФОРУМИ бўлиб ўтди.

ТАШАББУС

“Мақтабимиз кўшимча бинога муҳтож”

Ҳоким ёрдамчиси лавозимда ишлаганига 3 йил бўлди. Дастлабки йилдаги хатлов натижаси қониқарли эмасди. Худудда 6 995 нафар аҳоли яшаса, шундан 682 нафари ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Қалмабаг оилалар 42 тани ташиқ этган. 47 та тадбиркорлик субъекти бор эди. Бугунгача ишсизларнинг 548 нафари доимий ишга жойлашди. Тадбиркорлик субъектлари сони 72 тага етди. Туртми қалмабаг оила қолди, ҳоло.

Наргиза ШОМАҲМУДОВА, Учтепа туманидаги “Пахтакор” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Хўш, бунга қандай эришдик? Уйлашимча, саволнинг жавоби ҳаммасларимга қизиқarli ва фойдали бўлади. Аввало, маҳалланинг ички имкониятини ўрганиб, йирик тадбиркорлар билан ҳамкорлик ўрнатдим. Уларга ижтимоий аҳоли оғир оилаларни бириктирдим. Хонадон эгасининг салоҳиятидан келиб чиқиб, кооперация ташкил этдим. Масалан, маҳалла ҳовлилардан иборат бўлгани учун етакчи тадбиркор билан 15 та хонадонда иссиқхона ташкил этдик. Ёш тадбиркор Абдуллоҳ Обиджонов бўш турган бинодан унумли фойдаланиб, “Барҳаёт академияси” ўқув марказини очди. Унга 33 миллион сўм

имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағга 10 дона компьютер жамланмаси сотиб олди. Натижада 8 та янги иш ўрни яратди. Гулноза Расулова бўш турган бинони таъмирлаб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Худуддаги “Аамал saahiy” ва “Muminjon mebel maskani” масъулияти чекланган жамияти фаолияти қайта тикланиб, 10 нафар фуқаро ишли бўлди. Яна бир тадбиркор — Тоҳиржон Иноғомов ташаббуси билан иш бошлаган паррандачилик йўналишидаги кооперацияда 30 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Муаммо: маҳалламуз худудда 81-умумтаълим мактаби жойлашган.

Шахардаги энг нуфузли таълим муассасаларидан бири бўлгани учун кўшни “Журжоний”, “Кўкча оқтепа” маҳалласи фарзандлари шу мактабда ўқийди. Бунинг натижасида ўқувчи сони ортиб кетган. Таклиф: Таълим сифатини таъминлаш учун мактабимизга кўшимча бино қуриш керак. Ташаббус: маҳалламуз “Smart mahalla”га айланатиришни хоҳлайман. Бунинг учун бинони замонавий жиҳозлаб, фан ва касб-хунарга ихтисослашган ўқув курсларини бир ерда жамламоқчиман. Давлат хизматларининг барча тури маҳалланинг ўзида кўрсатилишига эришиш орқали фуқароларга янада қулайлик яратмоқчиман.



МУАММО, ТАКЛИФ, ЕЧИМ

“Сувсизлик сабаб “ўсиш нуқтамиз”дан фойдалана олмаяпмиз”



Худудимизда яшовчи миграциядан қайтган Хайитбой Маҳмадалиев билан суҳбатлашганимда, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирди. Муаммо — бизнес ража учун маблағ ва жой масаласи эди.

Алишер ХУДОЙБЕРДИЕВ, Чортоқ туманидаги “Қорамурт” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалла туман марказидан олисда жойлашган. Деҳқончилик ва балиқчиликка ихтисослашган.

Миграциядан қайтганларнинг бандлигини таъминлаш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш — ҳоким ёрдамчисининг бирламчи вазифаси. Тажрибамда бу вазифаларнинг ижроси ўзаро боғлиқ эканига гувоҳ бўламан. Агар иш тўғри ташкил этилса, муаммо кетма-кет ҳал бўлади. Мисол учун, худудимизда яшовчи миграциядан қайтган

Хайитбой Маҳмадалиев билан суҳбатлашганимда, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирди. Муаммо — бизнес режа учун маблағ ва жой масаласи эди. Мурожаатни ўрганиб, худуд имкониятини ишга солдик. Тадбиркорга маҳалладаги бўш турган бинодан фойдаланишни тавсия этдик. Таклиф маъқул келгач, зарур асбоб-ускуна сотиб олиш чорасини кўрдик. Бунинг учун ижтимоий дафтарда рўйхатда турган хотин-қизларга субсидия асосида 12

та тикув машинаси олиб бердик. Хайитбой Маҳмадалиев номига “Аҳмадали ота” кооперацияси ташкил этиб, субсидия асосида тикув машинасига эга бўлган ана шу хотин-қизларни аъзо қилдик. Натижада банд бўлганлар сони 15 нафарга етди. Гувоҳ бўлганингиздек, бир мурожаат ижобий ҳал этилиши ортидан худуддаги бўш бинодан самарали фойдаланишга, миграциядан қайтган фуқаронинг тадбиркорлигини қўллаб-қувват-

лашга, ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашга эришдик. Тадбиркор келгусида новвойихона ташкил этмоқчи. Муаммо: маҳалла туман марказидан олисда жойлашган. Деҳқончилик ва балиқчиликка ихтисослашган. Аҳоли томорқадан яши даромад топади. Аммо кейинги йилда оқова сув танқислиги кузатилиб, томорқада деҳқончилик билан шуғулланиш имконсиз бўлиб қолди. Сувсизлик сабаб “ўсиш нуқтамиз”дан фойдалана олмаяпмиз. Таклиф: муаммони ҳал этиш учун кўшни Янгиқўрғон туманидан оқова ўтувчи арик ва зовурларни тозалаб, бетонлаштириш керак. Шунда исрофгарчилик камаяди. Иккинчидан, майдонларни суғориш учун вертикал суғориш қудуқлари қовлаш лозим. Бу катта маблағ талаб қилади. Ечим: керакли маблағни топиш учун ҳуқуқий асос мавжуд. “Сув таъминоти оғир бўлган худудлардаги аҳоли томорқа ерлари ва деҳқон хўжалиқларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Президент қарорига масалага ечим берилган. Унда сув таъминоти оғир худудлардаги аҳоли томорқа ерлари, деҳқон хўжалиқлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни суғоришда қудуқларни бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа иншоотлардан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш, ўрнатиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағ йўналтириш тартиби 2026 йил 1 январга қадар узайтирилган. Масъуллар юқоридаги қарор асосида кўмаклашса, томорқа орқали ўзини ўзи банд қилганлар сафи янада ортади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Сардорбек ШОМУРОДОВ. Дўстлик туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳалла. — Мен айни пайтда Туркия давлатида меҳнат мигрантиман. Айтишларича, 1 октябрдан хориждаги меҳнат мигрантларининг оилаларига бир қатор ёрдамлари бериларкан. Мана шу ҳақида тўлиқроқ маълумот бера оласизми? Бу ёрдамни олиш учун қандай талаблар мавжуд? Қаерга мурожаат қилишимиз керак?

Мигрантлар оиласига ёрдам олиш учун қаерга мурожаат қилади?

Баҳром АБДУВАЛИЕВ, Миграция агентлиги мутахассиси:

— Дарҳақиқат, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ташкиллаштирилган тартибда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинди. Унга кўра, меҳнат мигрантлари оиласига 4 турдаги ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Барча ёрдам туридан фойдаланиш учун меҳнат миграциясига кетган фуқаро “Хорижда иш” платформасидан рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Биринчи ёрдам тури — моддий ёрдам маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тавсиясига биноан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилаларга ажратилади. Иккинчи ёрдам тури — даволаш билан боғлиқ моддий ёрдамни олиш учун ҳоким ёрдамчиси тавсиясига биноан оилда ногиронлиги бўлган аъзосининг ногиронлик гувоҳномаси керак бўлади. Учинчи ёрдам тури — меҳнат мигрантининг ота-онасини санаторияларга жойлаштиришга ҳоким ёрдамчиси тавсияси ва пенсия гувоҳномаси талаб этилади. Туртинчи турдаги моддий ёрдам — фарзандларини оромгоҳларга жойлаштириш бўйича йўлланма маҳалладаги ёшлар етакчисининг тавсияномаси асосида берилади. Меҳнат мигранти “Хорижда иш” дастурга кириб, “Меҳнат мигрантининг оиласига ёрдам” хизмат блогидан рўйхатдан ўтгач, меҳнат мигранти эканини асословчи ҳужжатларни юклайди. Тегишли сўровнома тўлдирилгач, ҳужжати қабул қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқувчи алоҳида гуруҳ маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ёки ёшлар етакчисининг тавсияномасини шакллантириш билан шуғулланади. “Онлайн маҳалла” платформаси билан ёшлар етакчиларининг платформаси ўзаро интеграция қилинган бўлиб, ҳеч бир жараёнда ариза ёзиш ёки кимгадир оғзаки мурожаат қилишга тўғри келмайди. Ёрдам пули ажратилгани ҳақидаги маълумот шахсий кабинетга юборилади. Агар мувофиқ эмас, деб топилса, белгиланган тартибда рад этилади. Нега рад этилгани ҳақида хабар юборилади. Муҳокамадан сўнг қарор лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Кўчат шаклидаги сабзавотлар қандай етиштирилади?



Томорқа — хазина. Мисол учун, сабзавот етиштириш орқали оиланинг моддий даромадини ошириш мумкин. Бунинг учун, албатта, агротехник тадбирларни билиш талаб этилади.

Сардор УМРЗОҚОВ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши масъул ходими.

Кўчат шаклда экиладиган сабзавотлар — эртаги қарам, помидор, ширин(аччиқ) қалампир ҳамда бақлажон кўчатини сифатли тайёрлаш зарур. Кўчатлар иссиқхонада ўстирилади. Иссиқхона майдонининг 40 фоизи дала тупроғи, 40 фоизи чиринди, 20 фоизи эса қипик, шולי шулхаси ёки кумли аралашмадан иборат бўлиши лозим. Эртапишар сабзавот кўчатини етиштиришда, асосан, икки хил тадбир амалга оширилади. Биринчиси — уруф сепиб, ниҳол олиш, иккинчиси — ниҳолларни 12–14 кундан кейин кўчириб, бошқа жойда парваришлаш. Иссиқхонага солинадиган озқулаи аралашма қалинлиги ниҳол тайёрлаш

учун 10–12, кўчириб экиладиган иссиқхонада 18–20 см. дан кам бўлмаслиги керак. Республикаимизда қарамнинг эртапишар чет эл дурагайларидан Фарао, Парел, Балбро, Бурбон, Назоми ҳамда маҳаллий урта ва кечпишар Термиз–2500, Тошкент–10, Шарқия каби серҳосил дурагайларини экиш тавсия этилади. Сифатли ва соғлом кўчат тайёрлашда уруннинг аҳамияти жуда катта. Униб чиқиш хусусияти юқори, бегона ўт ҳамда навлар аралашмасидан холи, биринчи туркумга мансуб уруғдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тўлиқ униб чиқишини таъминлаш учун саралаб, сўнг экиш тавсия этилади.

Уруғ миқдорига мос 3–5 фоизли ош тузи эритмаси тайёрланиб, эритмага қарам уруғи 1 соат давомида солиб қўйилади. Натижада пуч ва сифатсиз юзага қалқиб, сифатлиси эритма остига чўқади. Уларни тоза сув билан 2–3 мартаба ювиб, сўнг қуритилади. Сараланган уруғ намлаб ҳамда ниш ундириб экилса, тез униб чиқади. Ҳар 10 сотиқ очиқ майдонга етарли миқдорда қарам кўчати тайёрлаш учун 35–40 грамм уруғ сарфланади. Ниҳол олишга қарам уруғларини экиш чуқурлиги 0,5–1 см. дан ошмаслиги керак, акс холда униб чиқиши кечикади. Майсалар тўлиқ чиққунча, иссиқхона ҳарорати 18–20 даража, униб чиққач, 5–7 кун давомида ҳарорат 6–10 даража атрофида бўлиши таъминланса, илдизи яхши ривожланади. Кейинги парваришда даврида ҳарорат кундузи +15–17, кечаси +10–12 даража атрофида


сакланиши керак. Майсалар бўйи 5–7 см. гача ўсиб, 1–2 тадан чинбарг пайдо бўлгач, сифатли ва бақувват етилиши учун бошқа жойга озика майдонларини кенгайтириб кўчириб экилади. Улар тўлиқ тутиб олгач, орадан 10–12 кун ўтгач, майсалар биринчи марта озиклантирилади. Озиклантиришда ҳар 10 литр сувга 15–15 грамм азотли, 18–25 грамм фосфорли, 15–20 грамм калийли ўғит солиб эритилади. Эритма ҳар 3–3,5 метр квадрат майдондаги кўчатларни озиклантириш учун сарфланади. Қарам кўчатлари иккинчи марта очик майдонга экишдан 15–18 кун олдин озиклантирилади. Бунда 10 литр сувга маъданли ўғит миқдори икки марта кўпроқ солинади. Иссиқхона ҳаво ҳарорати ва тупроқ намлигига кўра, ҳафтасига 1–2 мартаба 1 метр майдонга 4–6 литр сув сарфлаб, суғориб турилади.



Мамлакатимизда Хитой тажрибаси асосида ДЕМОНСТРАЦИЯ ПАРКИ ташкил этилади.



9-11-август кунлари Хива шаҳрида Халқаро "ҚОВУН САЙЛИ" фестивали ўтказилади.



Давлат ОТМларига МИНИМАЛ ЎТИШ БАЛЛАРИ грант бўйича – 68,0 балл, тўлов-контракт бўйича 56,7 балл этиб белгиланди.

ТАЖРИБА

Спорт тўғараги ва майдончага эҳтиёж бор

Баҳромнинг розилиги билан 30 йилга фойдаланиш учун ер ажратдик.



Бандликни таъминлаш учун бизга яна бир имконият яратилди. Ёшларга ер ажратилиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандликни таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ни Президент қарорига кўра, маҳалладаги ишсиз йигит-қизларга ер майдонлари ажратилиши натижасида ишсизликдан холи ҳудудга айландик. Жорий йил бошидаги хатловда 2 нафар ишсиз аниқлашиб, бугун ҳар иккисининг бандлиги таъминланди.


Ойбек ИБОДУЛЛАЕВ, Арнасой туманидаги "Чинобод" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Баҳром Ибодуллаев – ана шундай ёшлар вакили. У маҳалладаги тенгдошларига ўрнэк бўлмоқда. Яқингача хорижда ишлаб келарди. Оиладан узоқда, мусофирликда кўп қийинчиликни бошидан кечирди. Ватанга қайтгач, юртимизда, маҳалламизда ишлаб, хориждагидан кам бўлмаган даромад топиш мумкинлигини тушунтирдим. Деҳқончиликка қизиқишини аниқлаб, ер олишни таклиф қилдим. Баҳромнинг розилиги билан 30 йилга фойдаланиш учун ер ажратдик. Ҳозир имкониятдан унумли фойдаланиб, юқори даромад

топиш учун ҳаракат қияпти. Яна бир вақилимиз – Фарҳод Фахриев. Узоқ йиллардан бери хорижда меҳнат қиларди. Жорий йил саломатлиги ёмонлашиб, юртга қайтди. Аҳволини ўргандик. Маълум бўлишича, унда пайвандчиликка малака бор. Шундан келиб чиқиб, субсидия асосида пайвандлаш ҳамда қурилиш ва металга ишлов беришда фойдаланадиган бурчакли пардозлаш ускунаси олиб бердик. Ҳозир ўзини ўзи банд қилиб, оила бюджетига хисса қўшмоқда. Муаммо: худудимизда спорт майдончасига эҳтиёж бор. Ўтган йили "Ташаббусли бюджет"

лойиҳасига таклиф киритгандик. Аммо етарли овоз тўплай олмадик. Таклиф: маҳалламиз ёшлари учун спорт тўғараклари ташкил этиш керак. Аввалроқ мурожаатлар асосида кураш ва футбол тўғараги очгандик. Аммо мураббийларнинг ойлик маоши камлиги учун ҳар иккиси 6 ойда фаолиятини тўхтатди. Ҳозир фақат қаратэ тўғараги ишлаб турибди. Ташаббус: маҳалламизда яшовчи "Мард ўғлон" мукофоти совриндори Умиджон Қодиров хонадонда кутубхона ташкил этмоқчи. Бунинг учун маҳалла барча зарур кўмакни бермоқда.

ТАЖРИБА, ТАКЛИФ, ЕЧИМ



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Ёшлар етакчилари таклиф, тажрибасини худудлар кесимида ўргатиб, оммалаштириш, уларга кўмак кўрсатиш анъанага айланган бўлган. Эътиборлики, таклифлар орқидан бошланган амалий ишлар муаммоларга ечим бўлмоқда. Газетамизнинг бугунги сониде Тошкент шаҳридаги маҳаллалар ёшлар етакчиларининг таклиф, муаммо, тажрибаси билан танишамиз.

Мақтаб битирувчисига касб-ҳунар курси керак

Яшнобод туманидаги "Илтифот" маҳалласи ёшлар етакчиси Муниса Отабоевнинг фикрига кўра, бугун "Ёшлар дафтари"даги йигит-қизларни "IT" ва хорижий тилларга ўқитиш урфга кирган. Аммо мақтаб битирувчисига касб-ҳунар ўргатилмапти. Натижада олий ўқув юртига кира олмаган абитуриент ишсиз, касб-ҳунарсиз қолмоқда. Чунки "IT", хорижий тилларни ўрганиш учун барчада хоҳиш бўлмади. Хоҳиши борда иқтидор етишмайди. Ана шундай ёшлар мустақил ҳаётга қадам қўйганида асосатда қолиб кетмаслиги учун касб-ҳунарга йўналтириш керак. Ҳеч бўлмаса, ҳар бир туманда умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчилари учун марказлашган касб-ҳунар курси ташкил этиш лозим. Яққасарой туманидаги "Ракат" маҳалласи ёшлар етакчиси Ҳасанжон Собиров худудга хос икки масала – маҳалладаги спорт ҳамда болалар майдончасини таъмирлашда масъуллар кўмаги зарурлигини таъкидлади.



ШИКОЯТЧИ ҲАҚ, АММО ШИКОЯТ атрофлича ўрганилиши керак

Аёл илмли бўлса, миллат илмли бўлади. Оилада биргина қиз ўқиб, олий маълумотга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради. Бугун юртимизда хотин-қизларнинг илмли бўлишини рағбатлантириш — узоқни кўзлаб босилган муҳим қадамдир.

Оттабек ҚОБИЛОВ Чуст туманидаги "Тинчлик" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Бугун изланган, интилган, ҳаракат қилган борки, ҳаёти фаровон, рўзғори бут. Ёшлар орасида мана шундай изланувчан йигит-қизлар кўплиги мени хурсанд қилади. Маслаҳатли тўй тарқамас, деганларидек, улар билан ҳар кун суҳбатлашаман, муаммога бирга ечим излаймиз. Ҳамкорлик натижасида кечаги ишсиз, эҳтиёжман, ёрдамга муҳтож ёш бугун мустақил йўлини топиб олган. Жорий йил бошидаги хатловда аниқланган 11 нафар ишсизнинг бугунгача 9 нафари доимий даромадга эга бўлгани фикримга яққол исбот. Фозилжон Жўраев "маҳалла еттичилиги" ёрдами билан ҳаётда ўз ўрнини топаётган ёшлардан. У билан суҳбатлашиб, янги ёғлар бердим. Хайдовчиликка қизиқишини

аниқлаб, гувоҳнома олишига кўмаклашдим. Бугун ҳаётдан рози. Ҳам одамлар узоғини яқин қияпти, ҳам оиласига даромад келтиряпти. Аёл илмли бўлса, миллат илмли бўлади. Оилада биргина қиз ўқиб, олий маълумотга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради. Бугун юртимизда хотин-қизларнинг илмли бўлишини рағбатлантириш — узоқни кўзлаб босилган муҳим қадамдир. Шундан келиб чиқиб, хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорликда кам таъминланган, эҳтиёжман, ногиронлиги бўлган ота-оналарнинг қизларига алоҳида квота асосида олий таълим муассасасига киришга тавсия берилишини тушунтиряпман. Ўрганишлар натижасида Диёра Убайдуллаева шундай тавсиянома асосида Тошкент ахборот технологиялари университети талабасига айланди. Афсуски, "маҳаллабай" ўрганишларда дилни хира қилувчи ҳолатлар учрамоқда. Айримлар маҳалладан қайта-қайта ёрдам

сўрашдан андиша қилмай қўйди. Кам таъминланганлар рўйхатида киритмасанг, "портал"га ёзмаман, деб қўрқитишга боради. Бежизга бундай демайди. Чунки шикоят ёзса, албатта, унга ёрдам беришга мажбур бўламиз. Чунки аксарият ҳолларда биздан ўша шикоятчига аввал қандай ёрдам берганимиз сўралмайди. Шикоятчи доим ҳақ, деган қараш шаклланиб қолган. Бу боқимандалар сафи орттишига олиб келмоқда. Таклиф — ҳар қандай шикоят аризаси мутахассислар иштирокида ўрганилиши, агар фуқаро зарур ёрдам олган бўлса, аризаси рад этилиши керак. Шунда маҳалла ходимлари айбдор бўлиб қолавермайди. Яна бир таклиф — ишсиз ёшлар тоифасидаги йигит-қизларни рўйхатдан чиқариш учун худудимизга яқин бўлган бўш ер майдонда ёшлар кичик саноат зонаси ташкил этиш керак. Бу орқали "Тинчлик", "Янгиҳаёт", "Юқори", "Варзигон" маҳаллаларидаги ёшлар бандлигини таъминлашга эришамиз.

Маблағ миқдори кўпайтирилса...

Ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича 6 ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача субсидия шаклидаги маблағ ажратилиши белгиланган. Аммо "Мингчинор" маҳалласи ёшлар етакчиси Шерзод Риҳсибоевнинг айтишича, ўқув курси тўлови 340 минг сўмдан ортиб кетмаслиги лозимлиги талаб қилинади. Афсуски, бу талабга мос ўқув курси топиш имконсиз. Чунки аксарият курсларнинг ойлик тўлов нархи 600-800 минг сўм. Натижада маҳаллада яшовчи хорижий тилларни ўрганиш истагидаги йигит-қизларга бу борада ёрдам бера олинмапти. Агар ҳар бир маҳаллада арзон нархдаги ўқув курслари ташкил этилса, масалага ечим топилади. Ёки ажратилган маблағ миқдорини кўпайтириш керак.



МЕНДА САВОЛ БОР...

– Ёш оиламиз. Айтишларича, янги турмуш қурган ёшларга ўз хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратилиши белгиланган экан. Шу кредитни олсак бўладими? Маблағ қандай талаб асосида берилади?

Сарвар ИБРОҲИМОВ. Шаҳрисабз туманидаги "Қиёмшайх" маҳалласи.



ГАРОВСИЗ КРЕДИТ ОЛСАК БЎЛАДИМИ?

Аброрбек ЭЪЗОЭХОНОВ, "Мадад" НТТ ҳуқуқшуноси:

– Имтиёздан фойдаланиш учун сиз ва турмуш ўртоғингиз "Темир дафтар", "Аёллар дафтари"га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган, кредит олиш учун мурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган, 30 ёшдан ошмаган

бўлишингиз керак. Никоҳингиз қайд этилганига 3 йилдан кўп бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, даромад манбаларига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан доимий даромадга эга бўлиш сўралади. Агар шу талабларга мос келсангиз, хонадонингизда

қўшимча уй-жой қуриш учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит олишингиз мумкин. Кредит бозор ставкасида мижоз хоҳишига кўра, 6 ой имтиёзли давр билан, 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Бошлангич бадали яққа тартибдаги хонадонда қўшимча қурилаётган уй-жой қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ажратилади.



ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИГА кириш имтиҳонларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.



ЮНЕСКО билан "БОҚИЙ БУХОРО" маданий-этнографик боғини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.



Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 ТРИЛЛИОН 230 МИЛЛИАРД СЎМ кредит ажратилди.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

ҚўЛЛАНМА

Аҳолида солиқ тўлаш маданияти юксалди

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, солиқ инспекторларининг “маҳаллабай” ишлаши кўплаб муаммоларга ечим бўляпти.

Алишер ҲУБОВ,
Тупроққалъа туманидаги “Шайхлар”, “Янги замин”, “Саидлар” маҳаллалари солиқ инспектори.

Менга бириктирилган “Шайхлар”, “Янги замин”, “Саидлар” маҳаллаларини тўғри ҳисобланади. Аҳолининг аксарияти деҳқончилик билан машғул. Фуқаролар 4 текстардан 10 текстаргача ижарага ер олиб, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, шолчилик билан шуғулланишди.

Кишлоқ шароити бўлгани учун одамлар солиқ маданияти ва тушунақидан унчалик хабардор эмас. Шу боис дастлабки фаолиятимда аҳоли ўртасида солиқ соҳасига оид ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказдим. Савдо-сотик билан шуғулланаётган тадбиркорларга онлайн назорат касса машиналари бериб, кунлик назоратни ўрнатдик. Харидорларга харид чекини беришни ўргатдик.

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, солиқ инспекторларининг “маҳаллабай” ишлаши кўплаб муаммоларга ечим бўляпти. Масалан, олинлари фуқаролар ер-мулк солиғини тўлаш ёки бошқа саволлари бўлса туман солиқ инспекциясига бориб, навбатда туришарди. Бугун барча саволларига маҳалласининг ўзида жавоб толяпти. Ҳар куни битта маҳаллани айланам, фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, қабуллар ўтказаман. Энг кўп савол солиқ ҳисоб-китоби бўйича бўляпти. “Маҳаллабай” ишлаш



тизими асосида олиб борган тарғиботларимиз натижасида фуқароларнинг солиқ тўлаш маданияти анча юксалди. Деҳқончилик билан шуғулланаётган юридик шахсларга ҳуқуқий маслаҳат ва амалий кўмак берамиз. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган тадбиркорлар сони ортди. Юридик шахслар 56 нафарга, яққа тадбиркорлар сони 55 нафарга, шунингдек, савдо-сотик ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари кенгайди. Жорий йил ноконуний фаолият юритаётган учта тадбиркор фаолияти қонунийлаштирилди. 10 нафар тадбиркор иш бошлади. 840 нафар фуқаро тури соҳалар бўйича ўзини ўзи банд қилишди.

“Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида иш самарадорлигимиз ортмоқда. Ҳар ой белгиланган режани ортиғи билан бажаряман. Яқунланган июль ойида ҳам режадаги 173 млн. сўм ўрнига 177 млн. сўм солиқ тушуми давлат бюджетига ундирилди.

Келгусида режалар кўп. Хусусан, менга бириктирилган маҳаллалардаги солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш маданиятини ошириш орқали солиқ тушумларини бюджетга ўз вақтида тушишни таъминлаш. Шунингдек, янги тадбиркорлик субъектлари, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар сонини кўпайтириш, мавжудларнинг фаолиятини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашдир. Шунда маҳаллаларимиз янада обод бўлиб, халқ фаровонлиги юксалади.

Ҳар бир солиқ тўловчининг солиқчиси бор

Президент ташаббуси билан бошланган “маҳаллабай” ва “корхонабай” ишлаш тизимлари барча солиқ тўловчиларга солиқ инспекторлари билан шиддиқ алоқада ишлаш имконини берди. Хусусан бугунги кунда “корхонабай” ишлаш тизимида 182 мингта ККС тўловчи корхонага 902 нафар, “маҳаллабай” тизимида эса 9 445 та маҳаллага 4 349 нафар солиқ инспектори бириктирилган.

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ қўмитаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Ушбу ходимларнинг асосий вазифаси, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўғри бажарилишида кўмаклашишдан иборат. Ҳар бир солиқ тўловчининг my3.soliq.uz сайтыдаги шахсий кабинетининг “Асосий” саҳифасида ўзига бириктирилган солиқ инспектори ҳақида тўлиқ маълумотлар (ФИО, лавозими ва боғланиш учун телефон рақами) жойлаштирилган. Жумладан:

- “корхонабай” тизимида “Менинг солиқ бошқармадаги инспекторим” бўлимида;
- “маҳаллабай” тизимида “Менинг маҳалладаги солиқ инспекторим” бўлимида.

Солиқ тўловчилар фаолияти “корхонабай” ишлаш тизими орқали 42 та, “маҳаллабай” тизимида эса 25 та йўналишда автоматик таҳлил қилинади.

Солиқ тўловчилар учун my3.soliq.uz порталида яратилган **яна бир янгилик** – шахсий кабинетнинг “Асосий” саҳифасидаги “Хизматлар” бўлимида солиқ тўловчиларнинг **солиқ органларига мурожаат юбориш шакли янгилади.**

Эндиликда мурожаат юборишда унинг қисқача мазмунини билдирувчи 40 та мавзудан бирини танлаш мумкин. Бу жараёнда 1,5 минг белгидан кўп бўлмаган матн ва 5 МБгача бўлган файл бириктириш имкони мавжуд.

Юридик ва жисмоний шахслар учун солиқ органнинг манзили солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтган жойи бўйича автоматик равишда соланади. Лекин солиқ тўловчи ўз ихтиёрига кўра, бошқа солиқ органини – инспекция, бошқарма ёки Солиқ қўмитасини ҳам танлаши мумкин.

“ҒИЖДУВОН ТАЖРИБАСИ”

Тадбиркорга тўғри йўл, маслаҳат ва кўмак кўрсатиляпти

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилояти солиқ бошқармаси шўба бошлиғи.

Бугун “Ғиждувон тажрибаси” асосида хонадонларда ташкил қилинган, лекин кенгайтириш имкони бўлмаган ишлаб чиқарувчилар учун шартлар яратилаётгани кўп жихатдан самарали бўлмоқда. Фикримизни Бухоро вилояти миқолида айтган бўлсак, вилоят солиқ хизмати органлари халқнинг, тадбиркорларнинг ишончига эришиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш орқали кўпшумча манбаларни аниқлаш бўйича сезиларли ишларни амалга оширмоқда.

Яқин вақтгача Когон шаҳридаги ёшлардан бири Рустам Раҳимов ўзини ўзи банд қилган ҳолда ўзи ва икки нафар оила аъзоси билан биргаликда турли хил ширинликлар сотиш билан шуғулланиб келаётган эди. Унинг таъкидлашича, бошлаган бизнеси тез орада ўзини оқлаган ва у ҳудуддаги автобус бекатларида ўз маҳсулотларини сота бошлаган. Аҳамиятлиси, унинг бизнесини қўллаб-қувватлаган солиқ ходимлари ўз вақтида унга фаолиятини янада кенгайтириш ва шу орқали кўпшумча ишчи ўринларини яратиш таклифи билан чиқиб, ижарага фаолиятига мос бўш бино ҳам топиб беришган. Бунинг натижасида ёш тадбиркор “Baba food” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, яхшигина тадбиркорга айланди ва ишчилар сони 30 нафарга етди.

– Президент жорий йил Бухоро вилоятига таърифига чоғида “Ғиждувон тажрибаси”га алоҳида тўхталиб ўтди, – дейди **Когон шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи Комила Аҳмадова.** – Шунга асосан, Когон шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари ҳар бир маҳаллада норасмий даромад топиб келаётган фуқаролар ўртасида кенг ту-



Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида тадбиркорликка кенг имкониятлар эшиги очилди. Аввалги бюрократик тўсиқлар олиб ташланиб, солиқ органлари тадбиркорлар кўмакчисига айланди. Қувонарлиси, бу ишлар тез фурсатларда ўз натижаларини кўрсатди.

шунтириш ишларини олиб бориб, уларни расмий рўйхатдан ўтказиб, қонуний фаолият юритишларини таъминлаётгани. Бундан ташқари, айрим тадбиркорларнинг муаммолари масалаларини ечишга яқиндан ёрдам бериш ҳисобида солиқ базасини кенгайтириш ҳамда бюджет кўрсаткич-ни бажаришга эришяпти. “Маҳаллабай” ишлаш тизимида ўтганимиздан буён Когон шаҳрида 85 та юридик корхона, 120 та яққа тартибдаги тадбиркор ҳамда 480 нафар ўзини ўзи банд қилган фуқаро давлат рўйхатидан ўтди.

Когон шаҳрида тадбиркорлар билан “маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида уйда норасмий даромад топаётган тикувчи Дилдора Ражабова ҳам ўз бизнесини соядан ташқари олиб чиқди. Унинг таъкидлашича, бу ишда унга солиқ ходимларининг далдаси яхши рағбат бўлган.

– Тикувчилик билан 25 йилдан бери

уйда шуғулланиб келаман, – дейди **Мирзо Улғабек номидаги маҳаллада яшовчи Дилдора Ражабова.** – Шу вақтгача оддий иккита тикув машинасида тикувчилик қилардим. Маҳалла солиқ инспектори фаолиятини кенгайтириш ва керак бўлса замонавий тикув машиналари олиш ҳамда ижарага бино топишга кўмаклашишни билдирганидан сўнг тавakkal қилиб ишни бошладим. Ҳозир замонавий тикув машиналаримиз 6 тага етди, ишчиларимиз 15 нафардан ошди. Турғиси, ишим бу даражада юришиб кетади деб ўйламаган эдим. Маҳсулотларимизга талаб ортиб бораётганидан руҳланиб, яқин орада фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштиряман.

Когон шаҳридаги “Umid Medical Centre” корхонаси таъсисчиларини ҳам солиқ органлари фаолиятидаги бугунги ўзгаришлар қувонтиради. Негаки, солиқ ходимлари эндиликда уларни жазоловчи эмас, балки барқарор фаолият юритишлари

кўрсатиляпти

таъминлаш ҳамда солиқ маъмуричилиги билан боғлиқ муаммоларни олдиндан ҳал этишда яқиндан кўмакчи бўлмоқда.

– Солиқ ислохотлари натижасида иқтисодиётнинг реал секторида хусусий клиникалар сони ортмоқда, – дейди **“Umid Medical Centre” корхонаси менежери Усмон Қаҳҳоров.** – Фаолиятимизни 4 нафар тиббиёт ходими билан бошлаган бўлсак, бугунга келиб уларнинг сони 40 нафардан ошди. Айни пайтда вилоят маркази ҳамда қўшни вилоятларда ҳам тармоқларимизни очмоқчимиз. Бу нимадан далолат, энди тадбиркорлар норасмий фаолият кўрсатишдан кўра, очиқ, шаффоф ишлаш афзаллигини ҳис қилиб бормоқда. Бу борада корхонамизга бириктирилган солиқ инспектори солиқ ҳисобларимизни тўғри юритилиши, уларни вақтида топирилиши ҳамда бошқа камчиликларимизни ўз вақтида тузатиш ва мавжуд имтиёزلардан фойдаланишимизда яқиндан кўмакчи бўляпти.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида тадбиркорликка кенг имкониятлар эшиги очилди. Аввалги бюрократик тўсиқлар олиб ташланиб, солиқ органлари тадбиркорлар кўмакчисига айланди. Қувонарлиси, бу ишлар тез фурсатларда ўз натижаларини кўрсатди.

Бухоро шаҳридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш ва сақлаш йўналишига ихтисослашган “Zamin madad savdo” корхонаси раҳбари, тажрибали ишбилармон Мамлакат Содикова вилоятда солиқ органларининг “маҳаллабай” ва “корхонабай” ишлаш тартиби тадбиркорларга анча маъқул бўлаётганини таъкидлади.

– Тадбиркор кўпроқ даромад ҳақида ўйлаб, солиқ маъмуричилиги тартибини бузиб қўйиши ёки солиқ ҳисоботларини тўғри шакллантиришда хато ва камчиликларга йўл қўйиши эҳтимолдан холи эмас, – дейди **корхона раҳбари Мамлакат Содикова.** – Бу борада корхоналарга бириктирилган солиқ ходимлари бизни ушбу камчиликлар юзасидан олдиндан огоҳлантириб, уларнинг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Бу эса бизни ортқача буромадлардан асраяпти.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда вилоятда солиқ органи ходимларининг кўрсатмаси, маслаҳати ва ёрдами билан рўйхатдан ўтмасдан ишлаётган фуқароларнинг кўпчилиги фаолиятини қонунийлаштирмоқда. Иш берувчилар иш ўринлари ва иш ҳақи фондиди легallashtirmoқда. Бунинг натижасида жойларда янги иш ўринлари очилиб, фуқароларни доимий ва масъулий иш билан таъминлаш шартлари яратилляпти. Пировардида, солиқ базаси кенгайиб, давлат бюджетига келиб тушадиган тушумларнинг салмоғи ортмоқда.



22 августдан Қозоғистоннинг Мангистау вилоятига Нукус шаҳридан ТЕМИРЙҮЛ ҚАТНОВИ йўлга қўйилади.



БМТ Тараққиёт дастури тизимиди 25 йилдан ортиқ тажрибага эга Акико Фуџи БМТТДнинг Ўзбекистондаги янги доимий вакили этиб тайинланди.



«АФРОСИЁБ» электрпоездлари қатновини бир соат олдинга ўзгартириш таклиф этилмоқда.

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ

Хуқуқбузарни ҳаётга қайтариш – мураккаб, АММО ШАРТ!



Ҳозирги кунда Тошкент тумани ички ишлар бошқармаси пробация гуруҳида 848 нафар маҳкум ҳисобга олинган бўлиб, шундан 302 нафари ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган.
Шахноза АЮПОВА,
Тошкент тумани ИИБ Пробация гуруҳи инспектори.

Озоликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога тайинланган шахслар пробация назоратига олинади. Пробация хизматининг асосий вазифаси – шахсни жамиятга қайта мослаштириш, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришга ёрдам бериш ҳамда уларнинг оқибатини назорат қилиш ва қайта жиноятларнинг олдини олишдир.

Қамоқдан чиққан ёки синов муддатини ўтаётган шахслар мураккаб жараёнда бўлади. Пробация ходимлари уларга ана шундай оғир босқични босиб ўтишларида ёрдам бериб, қўллаб-қувватлайди. Бир сўз билан айтганда, пробация назорати бу – назорат остидаги шахсларнинг синов муддатини ўтиш йўли.

Фаолиятимиз давомида назоратдагиларга нисбатан қатъий, лекин адолатли бўлишимиз керак. Уларнинг аксарияти жуда ғазабланган, баҳслашувчан бўлишади. Уларни қандайдир зўравонлик таъсири остида эканини сезсак, зудлик билан профилактик таъсир чоралари кураимиз. Индивидуал суҳбатлашиб, муаммоларини ўрганамиз.

Назорат остидаги шахслар билан ишлашда руҳий вазиятлар кўп бўлади. Шу боис пробация ходими яхши тингловчи, мулоқотга киришувчан ва юқори даражадаги ахлоқ ва ҳалолликка эга бўлиши шарт. Бу борада бизнинг жамоамизда одамлар ҳаётга ижобий таъсир ўтказиш ҳаракатида бўлган ишончли, сабрли ва адолатли ҳамкасблар бор. Уларнинг ҳар бирида мулоқот қилиш маданияти ва таъсир ўтказиш қобилияти шаклланган.

Қийинчиликларга учраган ва келиб чиқши ҳар хил ва турли ёшдаги ҳуқуқбузарлар билан ишлаш, бу – жуда мураккаб жараён. Кичик бир қўллаб-қувватлаш ҳам назорат остидаги шахслар ҳаётини ўзгартириб юборади. Яқинда Тошкент тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда икки нафар тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятида бўлган назорат остидаги фуқарога ҳужжатлар расмийлаштириб, субсидия ажратдик.



Биз ҳаётнинг пастки поғонасига тушиб қолган шахслар билан ишлаймиз. Асосий масъулият ҳуқуқбузарларни ҳимоя ва назорат қилиш билан бирга, биринчи навбатда, уларнинг бандлигини таъминлаш. Агар улар даромадли ишга жойлашса, жиноят қилиш эҳтимоли камаяди. Шунинг учун ҳозирги кунда корхона ва ташкилотлар билан қайта жиноятчиликни камайтириш бўйича мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган.

Бундан ташқари, Тошкент тумани ахборот кутубхона маркази билан ҳамкорликда пробация назорати остидаги шахсларни кутубхонага аъзо қилиб, уларни мутолаа қилишга жалб қилганмиз. Асосий мақсад, назорат остидаги шахсларни қайта ёмон йўлга қирмаслигининг олдини олиш.

Пробация назорати жуда муҳим. Чунки судга аниқ ва ишончли маълумотлар тақдим этилиши керак. Судлар бизга назорат остидаги шахсларни ҳоли кузатишни тоширган. Агар назорат остидаги шахслар судлар қўйган чекловларга риоя қилмаса, биз албатта, уларни жавобгарликка тортамыз.

Фаолиятимиз давомида бир неча мартаба ҳуқуқбузарлик содир этган ва қамоқдан чиқиб, яна қайта жиноят содир этган шахсларнинг хатти-ҳаракати сабабини ўрганамиз. Уларнинг орасида ўзининг ҳаётларидан хулоса чиқариб, тўғри йўлга ўтганлари кўп. Кимдир жиноятчиликдан қайтариш орқали унинг ҳаётга ижобий таъсир ўтказётган бўлсам, бундан мамнунман. Демак, биз уларни яхши инсон бўлишига ёрдам беряпмиз. Ишимиздаги энг катта ютуқ ҳам, мақсад ҳам ўзгариши хоҳлаётганларга ёрдам бериш.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ



Жамоат жойида ва оиласида жанжал қилганларга маъмурий баённома расмийлаштириб, халқ олдида ўзлари иштирокида қилмишларини муҳокама қилдик.

“Пиёдалар хавфсизлиги хавотирга соляпти”

Ёқуб ШОДИБЕКОВ,
Чиноз туманидаги “Бирлик” маҳалласи профилактика инспектори.

“Бирлик” маҳалласи воҳа худудларини пойтахт билан боғловчи катта автомобиль йўлининг икки ёнида жойлашган. Бу ерда олти ой аввал иш бошлаганимда тунги ёриткич чироқлари бўлмагани, пиёдалар ўтиш йўли ва йўл белгилари етарли даражада ўрнатилмагани сабабли автохалокатлар тез-тез содир этилган. Спиртли ичимлик ва оилавий жанжаллар билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар кайди этилган. Шу боис маҳалла жиноятчилик бўйича “сарик” тоифага тушган.

Дастлабки иш фаолиятимдаёқ маҳалладаги ҳар бир оиланинг аҳолидан хабардор бўлиш, ким нима билан машғул эканини билиш учун “хонадонбай” ўрганиб чиқдим. Маълум бўлдики, фуқароларнинг 95 фоизи томоқларидида иссиқхона ташкил этиб, ўзини ўзи банд қилишган. Асосий даромади ҳам шундан экан.

Ўрганишлар давомида ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини “маҳалла еттилиги” имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиш чораларини кўряпмиз.

Айниқса, нотинч оилалардаги муаммони баргараф этиш учун спиртли ичимликка ружу қўйган оила бошлиқлари билан индивидуал ишлаш бошладик.

Аввало, ноқонуний ишлаётган спиртли ичимлик савдо дўкони фаолиятига чек қўйиб, ичувчилар рўйхатидаги фуқароларни ичкиликнинг салбий оқибатлари ҳақида огохлантирдик. Шундан кейин ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилиб, жамоат жойида ва оиласида жанжал қилганларга маъмурий баённома расмийлаштириб, халқ олдида ўзлари иштирокида қилмишларини муҳокама қилдик. Улардан келгусида кўча-кўйда, жамоат жойлари ва оиласида жанжал қилмасликлари вазъаси олинди. Шўқрик, бугун жамоат жойида ҳам, оилада ҳам олдингидай жанжаллар йўқ.

Жиноятчиликнинг асл илдиизи бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишис аҳолини ишла қилишга, ёшларни спорт тўғрисидаги жалб қилишга интиляпмиз. Спорт мусобақалари, турли танлов ва маданий тадбирларни мунтазаб ўтказиб келяпмиз. Яқинда маҳаллада ёшлар етакчиси ташаббуси билан янги мини стадион қурилиб, унда ёшлар футбол ва волейбол билан шуғулланиши таъминланди.

Тунги вақтда пана-пасткам ва қоронғулик жиноятчилар учун қулай жой

ҳисобланади. Маҳалланинг аксарият ҳудуди шундай жойлардан иборат бўлгани учун тунги хавфсизликни таъминлаш учун фонар ва машина чироғидан фойдаланяпмиз. Агар кўча чироқлари ўрнатилса, маҳалламиз янада хавфсизроқ бўларди.

Айни пайтда тадбиркорларнинг савдо нуқталарига ўрнатилган ўнга яқин кузатув камералари планшетимга интеграция қилинган. Агар маҳалланинг 5 та асосий кириб-чиқиш кўчаси ва аҳоли гавжум бўладиган жамоат жойларига қўшимча 10 та кузатув камераси қўйилса, жиноятчиликни аниқлаш тез ва осон кечарди.

Яна бир жиддий масала шундаки, бугунги кунда юртимиз бўйлаб йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ёш болалар ва ўқувчилар ўлими ортмоқда. Бу таҳдид бизнинг ҳам оғриқли масаламиз. Чунки маҳалладаги 13-мактабга келаётган ўқувчилар автомобиллар серкатнов бўлган йўлни ва яна бир ички кўчамизни кесиб ўтишади. Шу боис пиёдалар ўтиш жойларига светофор ўрнатилиши зарур. Бу масалада тегишли ташкилотларга ҳабар берганмиз, лекин ҳозирча ижобий натижа йўқ.

Мақсадим, маҳалламни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириб, намунавий тажрибаларимни оммалаштиришдир.

СУД ҲУҚМИ

Тунги қароқчилар

Икки ёш йигитнинг ишламай шохона яшамога бўлган ниғтиёки уларни жиноятга қўл уришга мажбур қилди. Топши урса талқон қиладиган ёнда бўлган икки ҳамтовоқ 2023 йилнинг октябрь ойида учрашиб, жиноий тил бириктиришди.

Нилуфар ИСОХОНОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ
Ахборот хизмати бошлиғи.



Ўёки тун уларнинг қилмишини яширадигандек тун қоронғусида “ўлжа” қидириб, кўча кеза бошлашди. Уларнинг кўзи уйларнинг ёнидаги ўриндиқда суҳбатлашиб ўтирган йигит-қизга тушди. Ҳар иккиси улар атрофида кузгундек айлана бошлашди. Йигитларнинг нияти бузуқлигини сезган Жасур қизни уйига кузатиб қўйди, бироқ қайтишда уларнинг чангалидан қочиб кутула олмади.

– Диёр, бор анавидан бу ерда нима қилиб юрганини сўра! Атай жанжал

бошла! У ёғини менга қўйиб бер, – деб шеригига буйруқ берди Дилшод.

Хожасининг амрини қутиб тургандек, Диёрбек зумда Жасурнинг олдида пайдо бўлди. Жасур ўз навбатида қаерда хоҳласа ўша ерда юришини, унга ҳисоб беришга қарор қилди. Диёрбек уни атай баланд овозда ҳақоратлашга ўтди. Бақир-чақирга Дилшод аралашди. Жасурнинг қаршилик кўрсатишига қарамай, қўлларидан тортқилаб, овлоқ жойга судрашди. Ёнида қимматбаҳо буюмлари, пули бўлса яхшиликча беришини, йўқса

калтақлишини айтди. Жасурнинг 3 миллион сўмлик уяли телефонини тортиб олган, эртага кечки соат олтигача бир миллион сўм топиб келса, телефонини қайтариб беришини айтиб, тун қаърига шўнғишди.

Жасур Чилонзор тумани ички ишлар идорасига мурожаат қилиб, воқеани сўзлаб берди. Эртаси куни келишилган жойда зўравонларни қутиб турди. Улар айтилган вақтда пайдо бўлишди. Аммо талончилар Жасурнинг ёнига яқинлашганда, тезкор ходимлар қўлга олишди.

– Одатда тергов жараёнида шериклар жазодан қочиб кутулиш учун бир-бирини жара қўришига ҳаракат қилдилар. Бунинг учун ҳар қандай ёлгон

ва туҳматларни ишга солишади. Илгари судланган Дилшод ҳам барча айбонни ҳамтовоғи Диёрбекка ағдаришга уринди. Бироқ далиллар ишбу жиноятни уюштирган Дилшоднинг ўзи эканини тасдиқлади, – дейди ишбу жиноят иши терговини олиб бorgan Чилонзор тумани ИИО ФМБ терговчиси, майор К.Нарзиев.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судида зўравонларнинг қилмишларига қонуний баҳо берилиб, улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми “а”, “в” бандлари билан айбли деб топилди. Диёрбекка 2 йилу 8 ой, Дилшодга 2 йилу 9 ой озоликдан чеклаш жазоси тайинланди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Алиментни ҳисобрақам очиб, тўлаб борса бўладими?

Жаҳонгир ПўЛЛАТОВ,
Анджон вилояти.

Иқболжон АЗИЗОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Анджон туманлараро суди раиси:

– Бир нафар фарзандим учун алимент тўлаётман. Аммо собиқ турмуш ўртоғим алимент пулини бошқа мақсадларда ишлатяпти. Шу сабабли банкда фарзандим номига ҳисобрақам очиб, у вояга етунига қадар алимент тўловларини шу ҳисобрақамга тўлаб борсам бўладими?

– Боланинг таъминоти учун алимент ундириш масалалари, аввало, боланинг отаси ва онаси ўртасидаги келишувга биноан ҳал этилиши керак. Агар боланинг таъминоти учун ота ва онада келишув бўлмаса, у ҳолда суд тартибидида амалга оширилади.

Оила кодексининг 136-моддасига кўра, алимент судга ариза берилган кундан бошлаб ундирилади. Битта бола учун

ойлик иш ҳақи ва топган даромаднинг тўртдан бир қисми, иккита бола учун ойлик ва бошқа топган даромадларнинг учдан бир қисми, уч ва ундан кўп бола учун ойлик иш ҳақининг ярми миқдориди алимент ундирилиши суднинг қарориди кўрсатилади. Алиментни суднинг қарори билан ундириш белгиланганидан кейин давлат ижрочиси томонидан ундирув ишлари амалга оширилади. Ундиришнинг шакли бўйича алимент олувчи ва алимент тўловчи ўзаро келишув тузиши мумкин.

Сиз айтган масала бўйича фарзандингиз таъминоти учун

бериладиган алимент сизнинг собиқ турмуш ўртоғингизга берилиши керак. Собиқ турмуш ўртоғингиз сиз томонингиздан тўланадиган алиментни қайси усулларда қабул қилишини ўзи танлаши мумкин. Агар собиқ турмуш ўртоғингиз бола учун тўланадиган алиментни боланинг номига очиладиган ҳисобрақамга тўлаб боришига рози бўлса, у ҳолда сиз айтган усулда алиментни тўлаш мумкин. Агар унга рози бўлмаса, у ҳолда алимент қонунда белгиланган тартибда ундирувчининг ўзига ундириб борилади.





Шахматнинг рапид ва блиц йўналиши бўйича ўтказилган жамоалар ўртасидаги жаҳон чемпионатида НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ иштирок этади.



Қозоғистонда ўтказилган «President's Cup» турнирининг яққолик бахсларида ХУМОЮН СУЛТОНОВ бош совринни қўлга киритди.



7 нафар ПАРА СУЗУВЧИМИЗ Паралимпия ўйинларининг 25 та лицензиясига эга бўлди.

МАХАЛЛАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

МАНЗАРА

Диёра КЕЛДИЁРОВА: “Маҳалладошлар дуоси менга ишонч, куч берди”

Шахсан Президентнинг ўзи Олимпиадада ўйинларини чемпионларнинг ўша кунининг ўзидаёқ телефон орқали табриклиши олдин кузатилмаган эди... Ўзбек аёл спортчилари шу вақтгача тўрт йилликнинг икки мусобақасида халқимизнинг бўлмагани... Дюдо бўйича бугунгача қанчадан қанча маҳоратли ағлетларимиз Олимпиада бахсларида иштирок этган бўлса-да, бу спорт турда олтин медаль қўлга киритилмаган эди...



ота-онаси ва мураббийларига ўзларининг миннатдорлик туйғуларини эътибор қўйишни айтганини эшитиб, қувончимиз ўн чандон ошди. Диёра Олимпиадада тарихий ғалаба қайд этиб, юзими эруқ қилди, ишончимизни оқлади. Ростки, ота-она учун бундан ортиқ бахт, фахр бўлмаса керак.

— Диёра кўзимизнинг олдида улғайди, болалигидан қўллаб ютуқларга эришди, — дейди **Пастдарғом туманидаги “Пўлатчи” маҳалласи раиси Зайниддин Солиев.** — Ҳар гал унинг ғалабаларини маҳалладаги ёшларга ўрнак сифатида кўрсатамиз. Ўзбекистон, Диёра Олимпиада сари йўл олар экан, маҳалла идорасига келиб, биздан, оқсоқоллардан дуо олди. “Албатта, олтин медаль билан қайтган” деган ишонч ила йўлга чиқди. Қаранг, ўзига бўлган ишонч қатъий, нияти холис экан, Ўзбекистонга илк олтин медални тақдим этди. Маҳалладагилар қизимизнинг ғалабасидан хурсанд.

Юқоридагилар — Парижда давом этаётган ёзги Олимпиада ўйинларида дюдо бўйича ғолибликни қўлга киритган Диёра Келдиёрованын ғалабаси нақадар катта аҳамиятга эга бўлганини англатади. Шу вақтгача Осиё ва жаҳон чемпиони, Осиё ва Ислон бирдамлиги ўйинларининг олтин медалига эга чиққан Диёра эндиликда улар сафига Олимпиаданин олтин медалини ҳам қўшиб қўйди. Шунингдек, у Суфия номидаги Давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланган.

Олимпиада ўйинларида Диёранинг чемпионлик йўли осон кечмади. У бу йилда дастлаб япониялик Олимпиада ва тўрт карра жаҳон чемпиони Ута Абенин 5 йиллик мағлубиятсиз сериясига барҳам берди, чорак финалда германиялик Маша Балхаусни, ярим финалда мезбонларнинг биринчи рақамли спортчиси, Олимпия ўйинларининг олтин ва кумуш медаллари соҳиби Амандин Бушарни, финалда “Токио-2020” ёзги Олимпия ўйинларининг чемпиони косоволик Дистрия Красничини мағлубиятга уратди.

борлигидан ғурурланаман. Камдан-кам бўладиган ғалаба бўлди. Дунё қойил қолди. Ўзбекистон обрўсини жуда кўтардингиз, раҳмат қизим. Ғалабангиз ўзбек аёли, менин ғалабамиз кўнглимизни жуда қодир эканини дунёга намойиш этди... Бу ҳали ҳаётингизда катта-катта ғалабаларнинг бошланishi бўлиши керак. Тарихдаги буюк боболаримизга, оналаримизга муносиб бўлиб, жаҳонда номингизни қолдиришда қўлимиздан келганча ёрдам берамиз. Лекин меҳнат, жасрат ўзингиздан, қизим”, — деди давлатимиз раҳбари чемпион билан телефон орқали мулоқот чоғида.

Ёшлигидан “Чемпион бўлман, телевизорда кўрсатишди, бутун Ўзбекистон мени олқишлайди”, дер эди. Мана, азалий рақибни, бир неча йилдан буён ғалабани бермай келаётган япониялик Ута Абе ва яна бир неча номдор спортчиларни доғда қолдириб, ниятига етди — юртимиз байроғини баланд кўтариб, Олимпиада чемпиони бўлди. Қизимнинг ютуқларидан ғурурланаман.

— Нега кундан буён телефонимиз тинмайди, хонадонимизга келиб табрикловчилар жуда кўп, бундан бошимиз кўкка етмоқда, — дейди **Диёранинг отаси Бахтиёр Мардонов.** — Айниқса, Президентимиз Диёра билан телефон орқали гаплашиб табриклагани ва унга биз —

“ҚИЗИМИЗ ЮЗИМИЗНИ ЁРУҒ ҚИЛДИ”

Ҳар бир ота-она фарзандининг ютуқларидан ғурурланади, “Сенга тарбия берган ота-онанга раҳмат”, деган сўзларни эшитганда ғурур туяди.

— **Қизим иштирок этган ҳар бир мусобақани ҳаяжон билан кузатамиз, — дейди чемпионнинг онаси Дилором Шарипова.** —

ПРЕЗИДЕНТ БИРИНЧИЛАРДАН БУЛИБ ТАБРИКЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Диёра Келдиёровани Олимпиада чемпиони билан табриклиб, ота-онаси ва мураббийларига миннатдорлик билдирди.

“Сиздек жасоратли, матонатли, фидойи қизим

Самимий ва дўстона туйғу билан ҚАЛБЛАРИМИЗ ЯНАДА ЯҚИН

Маҳалладаги ҳар бир аёл ўзинга оро бериб, гўзал бўлиб юришни хоҳлайман. Бунинг учун уларга зарур тавсия ва ёрдам бераман. Яшаш шароитини яхшилашга, бандлигини таъминлаб, даромад топишни ақмаклашаман.



Осиёхон РАҲМАТУЛЛАЕВА, Жалақудук туманидаги “Ақча” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Аслида ишлаган аёл ҳамма юмушларни бажаришга улгуради. Эрта туриб рўзғорини саранжомлайди, кечга келиб овқат тайёрлайди. Мухими, ўзи ва жамият учун фойдали меҳнат билан машғул бўлади.

2016 йилдан буён маҳалла тизимида ишлаб келаётган бўлсам, шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаман. Қачонки, аёл турмушдан рози яшаса, оилада тинчлик, маҳаллада фаровонлик ҳукм суради. Фарзандлар тарбияси, кексалар парвариши, кўни-қўшилари билан муносабат, энг аҳамиятлиси, турмуш ўрतोғига хурмат билиб муомала қилиш қабилар аёлнинг қайфияти ҳамда шароити билан боғлиқ масала.

Анча вақт мактабда бошланғич синфларга дарс бердим. Аксарият ёш келинлар ўзининг ўқувчиларим. Шунинг учун кўнглидагиларини ҳеч бир истиҳоласиз менга айта олади. Тавсия ва кўрсатган йўл-йўриқларимга амал қилиб кўпчилиги муаммоларига ечим топишти.

Хонадонларга кириб борганда, айниқса, ёши катта онахонларнинг ҳолидан хабар олиш баҳонасида биргаллашиб нон ёпамиз. Чучвара тугиб, сомса пишираемиз. Бу самимий ва дўстона муҳит яратишга ёрдам беради. Иш жараёнида кимнинг нима гапи бўлса, уялмай айтади. Шу баҳона қайси аёлга қандай ёрдам беришим кераклигини билиб оламан.

Жорий йилда “Аёллар дафтари”га 79 нафар хотин-қиз рўйхатга киритилди. Олиб борилган саёҳатларимиз натижасида 68 нафар ишсизлардан 66 нафарининг бандлиги таъминланди.

Сутни қайта ишлаш, дехқончилик, тўқувчилик йўналишларида ўзини ўзи банд қилганлар кўпчиликни ташкил этади.

3 нафар аёлга маҳалла тавсияси билан 28 миллион сўмдан кредит ажратилиб, чорвачилик фаолиятини кенгайтиришга ёрдам берилди. Харид қилинган қўйлар шу кунгача боқиб келаётган қора моллари қаторига қўшилди. Ҳаммаси ишига меҳр билан ёндашяпти. Вақтида ем-хашагини беради, суғоради. Ветеринар чақириб, кўриқдан ўтказди. Соғин сигирлари кунлик харажатлар учун зарур бўлган маблағни қўллаб келяпти. Сут, қатиқ, қаймоқ, творог, курт каби маҳсулотларни тўман маркази ҳамда маҳалланин ғидаидаги озиқ-овқат дўконларига топширишди. Худудимиздаги 70-80 нафардан кўпроқ аёл шу иш билан мунтазам шуғулланиб келяпти.

Бундан ташқари, ювенил воситалари тўқийдиган хотин-қизлар ҳам анчагина. 40 фоизга яқин аёллар махсус ускуна ёрдамида аёл-шимча кунлик даромад топишяпти. Кундузи тўман марказидаги “Само” ва “Зумрад” тикув корхоналарида ишлаб келиб, кечқурун севимили машғулотига вақт ажратади.

Гулнора Ҳолиқова имтиёзли равишда 100 миллион сўм кредит олиб, хусусий боғча очилиши режалаштириб турибди. 100 ўринга мўлжалланган таълим-тарбия масканига болалар 1,5 ёшдан қабул қилинади. Бу фарзанд парвариши билан банд бўлган кўплаб аёлларнинг ишлашига имкон яратиб бериши билан ҳам аҳамиятли.

Хотин-қизлар фаоли кунига ҳеч бўлмаганда 4-5 та хонадонга кириши керак. Худудидидаги ҳар бир аёл билан яқин инсонидек муносабатда бўлиш жуда муҳим. Шунда уларнинг муаммоларига ечим топиш анча осон кечади.

Қўшимча квота — қўшимча имконият

Хотин-қизлар учун қўшимча 2 000 та давлат гранти асосидаги квоталарнинг ҳудудлар кесимидаги тақсими тасдиқланди. Унга кўра:

Қорақалпоғистон Республикаси — 111, Андижон — 183, Бухоро — 112, Жиззах — 81, Қашқадарё — 193, Навоий — 60, Наманган — 165, Самарқанд — 227, Сурхондарё — 155, Сирдарё — 50, Тошкент вилояти — 177, Фарғона — 221, Хоразм — 110, Тошкент шаҳри — 155.

Ўтган йиллари квоталар ҳудуд кесимида умумий берилар эди. Жорий йилда 3 та соҳага алоҳида квота ажратилган:

- 1) аниқ ва табиий фанлар;
 - 2) техника фанлари;
 - 3) тиббиёт фанлари.
- Мана шу учта соҳадан ортиб қолган квоталар эса, умумий бошқа барча соҳалар учун бўлади.
- Масалан, Фарғона вилояти учун умумий квота 221 та. Шу жумладан, аниқ ва табиий фанлар учун 49 та, техника фанлари учун 28 та, тиббиёт фанлари учун 33 та квота. Жами 110 та ўрин мана шу 3 та соҳага ажратилмоқда. Қолган 111 та ўрин эса бошқа барча соҳалар, масалан гуманитар, ижтимоий, хизматлар соҳалари қабилар учун умумий танлов сифатида берилади.

ИМТИЁЗ



Қўшимча маълумот:

- бу тавсиянома фақат биринчи йўналишга ўтади;
- фақат кундузги таълим шаклига қўшимча квота берилган. Сиртки, кечки ёки масофавий учун имтиёз қўлланмайди;
- ушбу тавсиянома балл қўшиб берилди.

Болалар учун нафақа қайси ҳолатларда рад этилади?

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган болалар нафақаси қуйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

- оиланин ғар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик даромад белгиланган минимал истеъмол харажатлари микдоридан ошганда (648 минг сўм);
- билтадан ортиқ кўчмас мулки бўлганда;
- техник ҳолати соз бўлган енгил ёки юк ташувчи автотранспорт воситалари бўлганда;
- депозит ҳисобварағида маблағлари ҳамда қимматли қоғозлари мавжуд бўлганда;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва қуролли кучлар тизимидаги ташкилотларнинг хизматчилари ёки уларнинг оила аъзолари аризалар тақдим этганда;
- оилада ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда;
- оилада охириги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси ишга доир тақлифларни мунтазам равишда рад этган ҳолларда;
- расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва ишсиз, меҳнатга лаёқатли оила аъзоси мавжуд бўлганда;
- оилани кам таъминланган



деб эътироф этиши ва унга тегишли равишда болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилади.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «МАHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 7 250 нусxada чоп этилди. Бюропта №: Г-820

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

